

Мадрасаларда ўтказилган тест синовлари натижалари эълон қилинди



05:03 / 26.09.2020 2240

Барчамизга маълумки пандемия муносабати билан мамлакатимиздаги барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида 2020-2021 ўқув йили учун қабул имтиҳонлари очиқ майдонларда ўтказилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш мақсадида абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган жойларга карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда тиббий ниқоб ва қўлқоп билан антисептик воситалардан фойдаланган ҳолда киритилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаларининг қабул имтиҳонлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилди. Тест синовларининг шаффоф, очиқ ва ошкора

Ўтказилишини таъминлаш мақсадида қабул имтиҳонлари ўтказиладиган жойлар кузатув камералари билан жиҳозланиб, Давлат тест маркази жалб қилган кузатувчилар томонидан назорат қилиб борилди.

Ўрта махсус ислом таълим муассасалари бўйича 2020-2021 ўқув йили учун 2020 йил 16-17 сентябрь кунлари ўтказилган тест синовлари натижалари 2020 йил 25 сентябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг **@mandat_muslim_uz_bot** телеграм боти орқали эълон қилинди.

Абитуриентлар мазкур ботда шахсий **ДТМ махсус кодини** киритиш орқали ўзининг тест синови натижалари билишлари мумкин.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими